

Иммигрантлар - турмушдаги зўравонлик қурбонларининг АҚШдаги қонуний ҳуқуқлари ва никоҳ визаси иммиграциясига оид маълумотлар

Мақсад:

Кўпчилик иммигрантлар инглиз тилида гапира олмаганлари, кариндош ва дўстларидан йироқда эканликлари ва Америка қонунчилигидан хабарлари йўқлиги сабаб, ўзларини яхши ҳимоя қила олмайдилар. Шу сабабдан иммигрантлар турмушдаги зўравонлик ҳақида милицияга мурожаат қилишга ёки давлатдан бошқа турдаги ёрдам сўрашга хавфсирашади. Ушбу кўркув уларни янада кучли зўравонлик муносабати қурбони бўлишларига олиб келади.

Мазкур рисолада турмушдаги зўравонлик ва сизнинг АҚШдаги ҳақ-ҳуқуқларингиз ҳақида маълумот берилади. Халқаро Никоҳ Агентликларининг Фаолиятини Тартибга Солиш тўғрисидаги Қонун (IMBRA) АҚШ ҳукуматидан АҚШга кўчиб келаётган чет эллик қаллиқлар, ҳамда турмуш ўртоқларга

уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари, америкалик қаллиқлар ёки турмуш ўртоқларининг ўтмишдаги жинсий ишлари, шунингдек уларнинг аввалги турмушда зўравонлик қўллагани ҳақида маълумотларни тақдим этишини талаб этади. IMBRAнинг талабларидан бири - кўчиб келаётган қаллиқлар ва турмуш ўртоқларга иммиграцион жараён ҳақида ва уларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари қўлланилган пайтларда қаерга мурожаат қилиш зарурлиги ҳақида маълумотни таъминлаш ҳисобланади.

Турмушдаги зўравонлик – бу нима?

Турмушдаги зўравонлик бу- турмуш ўртоқнинг ёки яқин муносабатда бўлган партнёрнинг турмуш ўртоғи ёки партнёрига таҳдид ёки унга нисбатан ёмон муносабатда бўлиши тушунилади. Ёмон муносабат жисмоний шикаст етказиш, мажбурий жинсий алоқа, эмоционал найранг (қамаш ёки қўрқитиш) каби ҳолатлар, ҳамда иқтисодий таҳдид ёки иммиграцион мақом билан боғлиқ ҳолатларни ўз ичига олади. Ваҳоланки, рўйхатга олинган шу каби ҳолатларнинг аксарияти эркаклар томонидан аёл ёки болаларга нисбатан ноғўя ҳаракатлар қўлланилган бўлсада, эркаклар ҳам турмушдаги зўравонлик қурбонлари бўлишлари мумкин.

Турмушдаги зўравонлик тушунчаси жинсий зўравонлик, болаларга нисбатан ёмон муносабат ва барча бошқа зўравонликка хос жиноятларни ўз ичига олади. Жинсий зўравонлик эҳтимоли билан қўрқитиш – сизнинг хоҳишингизга қарши жинсий алоқага мажбурлаш ҳисобланади, бу турмуш ўртоғингиз ёки умуман бошқа шахс бўлиши мумкин. Болаларга нисбатан ёмон муносабат – жисмоний зўравонлик (нотасодифий келтирилган жароҳат, шунингдек жабрли жазо), жисмоний бепарволик (овкатланиш, кийиниш, тиббий ёрдам хизматидан ёки қарамқўлликдан бош тортиш), жинсий зўравонлик ва руҳий хўрлаш (таҳдидлар, меҳр-шавқат кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш ва бошқаришдан воз кечиш) каби ҳаракатлар тушунилади.

Турмушда зўравонлик қўллаш, жинсий алоқага мажбурлаш ва болаларга нисбатан ёмон муносабатда бўлиш АҚШда ҳар қандай шароитда қонунга ҳилоф ҳисобланади. Қонун барча АҚШда яшовчи одамларга уларга нисбатан ёмон муносабатдан (ирқингиз, терингизнинг ранги, динингиз, жинсингиз, ёшингиз, миллатингиз ёки иммиграцион мақомингизга қарамасдан) ҳимоя қилишга кафолат беради. Турмушдаги зўравонликнинг ҳар қандай қурбонида иммиграцион мақоми ёки фуқаролигига қарамасдан ёрдамга мурожаат этиш ҳуқуқи бор. Иммигрантларни ҳимоя қилиш

тўғрисидаги қонун ҳар қандай иммигрант — турмушдаги зўравонлик қурбони учун амал қилади.

Агар сизга нисбатан сизнинг уйингизда зўравонлик ҳолатлари қўлланилаётган бўлса, сиз ушбу ҳолатдан мустасно эмассиз. Ушбу рисола сизга Америка Қонунчилигини тушунишда ва ёрдам кераклигида қаерга мурожаат қилиш зарурлиги ҳақида маълумот беради.

Турмушдаги зўравонлик қурбонларининг қандай қонуний ҳуқуқлари бор?

АҚШнинг ҳам фуқаролик ҳам жиноий ишлар бўйича Қонунчилиги АҚШда яшовчи барча инсонларга уларнинг фуқаролиги ва иммиграцион мақомига қарамасдан қонуний ҳимояни таъминлайди. Оилавий ҳаётни тартибга солиш бўйича қонун қуйидаги ҳуқуқларингизни таъминлайди:

- Сиз ва сизнинг фарзандларингизнинг ҳимояси тўғрисидаги суд қарорини олиш ҳуқуқи.
- Турмуш ўртоғингизнинг розилигисиз алоҳида яшаш ёки никоҳдан ажралиш ҳуқуқи.
- Маълум бир оилавий мулкни бўлишиш ҳуқуқи. Никоҳдан ажралиш пайтида суд сизнинг турмуш ўртоғингиз билан

биргаликдаги ҳар қандай мулк ёки молияни ўртангизда бўлиб бериши мумкин.

- Фарзандингизга васийлик қилиш ва моддий ёрдамга эришиш ҳуқуқи. 21 ёшга тўлмаган, ота-онаси билан бирга истокомад қилмайдиган ҳар қандай фарзанд учун моддий ёрдам ундириш талаб этилади.

Оиладаги ҳақ-ҳуқуқ масалалари бўйича ихтисослашган, иммигрантлар ишлари билан яқиндан таниш адвокат билан мазкур оилавий ҳаётни тартибга солиш тўғрисидаги қонуннинг ижобий ва салбий нуқтаи назардан сизга тааллуқлилик эҳтимоли ҳақида маслаҳатлашинг.

АҚШ қонунчилигига асосан, ҳар қандай жиноят қурбони, унинг фуқаролиги ва иммиграцион мақомига қарамасдан, милиция ходимларига ёрдам сўраб кўнғироқ қилиши ёки ҳимоя тўғрисидаги қарорни олиши мумкин.

Агар сиз ёки сизнинг фарзанд (фарзандлар)ингиз ҳаёти хавф остида бўлса, 911 рақами орқали милицияга кўнғироқ қилинг. Милиция ходимлари сизнинг куёвингиз (келинингиз), турмуш ўртоғингиз ёки партнёрингизни агар ҳақиқатдан ҳам жиноят содир этган бўлса, ҳибсга олиши мумкин. Сизга нисбатан

қўлланилган ножўя ҳаракатлар ҳоҳ аввал ҳоҳ ҳозир содир этилган бўлса ҳам, сиз бу ҳақида милицияга хабар беришингиз ёки сизга етказилган ҳар қандай жароҳатни кўрсатишингиз керак. Ҳар бир инсон ушбу жиноят ҳақида ўзининг фуқаролиги ёки иммиграцион мақомига қарамасдан хабар бериши мумкин.

Ҳудди шундай ҳолатларда, агар сиз турмушдаги зўравонлик қурбони бўлсангиз, сиз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишингиз мумкин. Суд томонидан берилган ҳимоя ҳақидаги ажрим ёки тақиқлайдиган суд қарорига асосан, жавобгарга сизга кўнғироқ қилиш, сиз билан мулоқатга чиқиш ёки сизга, сизнинг фарзандларингизга яқинлашиш ман этилиши мумкин. Агар жавобгар ҳимоя ҳақидаги ажримнинг шартларини бузса, сиз милицияни чақиришингиз ва милиция ўз навбатида уни ҳибсга олиши мумкин. Ҳимоя ажримига топшириш учун ариза нусхалари милиция участкаларидан, аёллар учун бошпана берувчи агентликлар ва адвокатлик идораларидан олишингиз мумкин.

Агар жавобгар сизни жиноят содир этганлигингизда айбласа, фуқаролигингиз ёки иммиграцион мақомингизга қарамасдан сизда асосий ҳуқуқларингиз, яъни адвокат билан суҳбатлашиш, адвокат

иштирокисиз берилган саволларга жавоб бермаслик ва ҳимоянгиз учун фикрингизни ифода этиш каби ҳуқуқларингиз мавжуд. Шу сабабли, иммиграцион масалалар, ҳамда жиноий ишлар бўйича ихтисослашган адвокатлар билан маслаҳатлашиш жуда муҳим.

АҚШда турмушдаги зўравонлик ва жинсий алоқага мажбурланган қурбонлар учун қандай хизматлар мавжуд?

АҚШда фуқаролиги ёки иммиграцион мақомига қарамасдан ҳар бир жиноят қурбони давлат ёки нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ёрдамга мурожаат этишга ҳақли, ушбу ёрдам турларига ҳуқуқий маслаҳат бериш, таржимон хизматлари, вақтинча яшаш жойлари ва ҳаттоки моддий ёрдам кириши мумкин.

Қуйида АҚШнинг исталган жойидан қўнғироқ қилиш мумкин бўлган шошилишч бепул рақамлари келтирилган. Кеча ва кундуз мутахассис операторлар қурбонларга бепул ёрдам кўрсатадилар. Сизнинг ихтиёрингизда таржимон хизматлари бўлади, бундан ташқари оператор қўнғироғингизни сизнинг худудингизда жойлашган вақтинчалик яшаш жойи, тиббий ёрдам, рухий соғлиқ билан боғлиқ ёрдам, юридик маслаҳатлар

каби ижтимоий хизматлар кўрсата оладиган бепул бошқармаларига улаб бериши мумкин. Агар сиз адвокат хизмати учун тўлашга қодир бўлмасангиз, у ҳолда сиз иммигрант - турмушдаги зўравонлик қурбони учун бепул ёки арзон юридик ёрдам кўрсатувчи дастур амал қилиши мумкин.

Турмушдаги зўравонлик масаласи бўйича миллий бепул шошилишч рақами
1-800-799-SAFE (1-800-799-7233)
1-800-787-3224 (карлар учун рақам)

Жинсий зўравонлик эҳтимоли билан кўрқитишга доир миллий бепул шошилишч рақами
Зўрлаш, номусга тегиш, ёмон муносабат ва инцест ҳолатлари ҳақида хабар бериш
Миллий Тармоғи
1-800-656-HOPE (1-800-656-4673)
www.rainn.org

Бедарак ёқолган болалар, ҳамда болаларга нисбатан ёмон муносабатга доир муаммолар бўйича Миллий Марказ бепул рақами
1-800-THE-LOST (1-800-843-5678)
www.missingkids.com

Жиноят Қурбонлари масалалари бўйича Миллий Марказ бепул рақами
1-800-FYI-CALL (1-800-394-2255)
1-800-211-7996 (карлар учун рақам)

Эслатма: Ушбу ташкилотларнинг асосий вазифаси хавфсизлик ва ҳимояни таъминлашдир.

Агар мен турмушдаги зўравонлик, жинсий зўравонлик эҳтимоли билан кўрқитиш ёки ёмон муносабат қурбони бўлсам, менда қандай иммиграцион имкониятлар бор?

Турмушдаги зўравонлик, жинсий зўравонлик эҳтимоли билан кўрқитиш ёки ёмон муносабат қурбони бўлган иммигрантлар ва уларнинг фарзандлари учун иммиграцион мақомни таъминлашнинг уч йўли мавжуд. Қурбонларнинг аризаларидаги маълумот махфий ҳисобланади, ва сизнинг ариза топширганлигингиздан факатгина жавобгар ёки қариндошингиз хабардор бўлади.

- Аёлларга нисбатан Зўравонликка Қарши Кураш ҳақидаги Қонунга асосан, ўз номидан иммиграцион мақомни ўзгартириш тўғрисида топширилган ариза (VAWA)
- Юқорида эслатиб ўтилган қонун доирасида депортация қилиш қарорини бекор қилиш аризаси
- Жабрланувчига нониммиграцион (U категорияси) мақом берилиши тўғрисидаги илтимоснома

Юқорида келтирилган иммиграцион имтиёзларга эга бўлиш учун сиз белгиланган шартларни бажарганларингизни исботлаб беришингиз керак бўлади. Турмушдаги зўравонлик

қурбонлари буйича иммиграцион адвокат билан маслаҳатлашинг ва у билан ушбу имтиёзлар сизнинг ҳолатингизда қандай қўлланиши ёки сизга қандай ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида муҳокама қилинг.

Никоҳ асосида иммиграция жараёни қандай амалга ошади?

Никоҳ асосида иммиграция жараёни бир неча босқичдан иборат ва ушбу жараён АҚШдаги қонуний иммигрантга унинг мақомини берилиши билан якунланади, бу мақом кейинчалик иммигрантга фуқароликни олиш имкониятини беради. Бу босқичлар АҚШга кириб келган никоҳ визасининг турига ва бошқа омилларга боғлиқ. Қуйида шу виза турларининг баъзилари ҳақида ва сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз ҳақида қисқача маълумот берилади.

Ноиммиграцион К-1 мақоми (АҚШ фуқаросининг қаллиғи): Сиз АҚШ ҳудудига кирганингиздан сўнг 90 кун ичида АҚШ фуқароси билан қонуний равишда никоҳдан ўтишингиз ёки АҚШдан чиқиб кетишингиз шарт. Сизга петиция расмийлаштирган АҚШ фуқароси – қаллиғингиз билан қонуний никоҳдан ўтганингиздан сўнг, сиз АҚШнинг доимий яшовчиси сифатида рўйхатдан ўтишингиз учун ариза ёки мақомингизни ўзгартириш (I-485) илтимосномасини топширишингиз керак. Агар сизнинг I-485 формаси бўйича топширган аризангиз мақулланса, у ҳолда сизнинг мақомингиз қайта кўриб чиқилиб, ноиммиграцион К категориясидан доимий яшовчининг шартли мақомига

ўзгартирилади. Бу шартли мақом икки йил давомида амал қилади.

Агар АҚШда яшаб, сизнинг К-1 визангизга ҳомийлик қилган АҚШ фуқароси билан никоҳдан ўтмасангиз ёки умуман бошқа одам билан қонуний никоҳдан ўтсангиз, сиз визангизнинг шартларини бузган ҳисобланасиз ва қонуний мақомингиз ўз кучини ёқотиши, депортация қилинишингиз ёки бошқа турдаги жарима тўлашингиз мумкин.

Ноиммиграцион К-3 мақоми (АҚШ фуқаросининг турмуш ўртоғи): Сизга оила бирлашуви (I-130) асосида топширилган визага мурожаатингиз маъқуллангунга қадар, АҚШга вақтинчалик киришга рухсат берилади. I-130 асосида виза мурожаатингиз маъқуллангач, сизга АҚШда доимий яшаш ҳуқуқини берувчи мақом (яшил карточка) берилади ва сиз ўз навбатида домий яшаш ҳуқуқига эга резидентни рўйхатга олиш ёки мақомингизни ўзгартириш учун ариза (I-485 формаси) топширишингиз керак.

Барча бошқа никоҳ асосида олинган иммиграцион мақом эгалари Америка консуллиги тақдим этган ахборот материалларидан қўшимча маълумотлар олишлари мумкин. Қўшимча маълумот учун қуйидаги веб-саҳифага мурожаат қилишингиз мумкин: <http://www.uscis.gov>.

Сохта никоҳ учун қандай жазо белгиланади?

Сохта никоҳ қурган иммигрантлар мамлакатдан хайдалиши, ҳамда АҚШда иммиграцион имтиёзлардан фойдаланиш мурожаатида рад жавоб олишлари мумкин. Сохта никоҳ учун белгиланган жазо 5 йил озодликдан маҳрум қилиш ва 250 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлаш тайинланган.

Агар мен АҚШ фуқароси билан қонуний никоҳда бўлсам, ва у менга иммиграцион ҳужжатларни мени номимдан расмийлатирган бўлса, менинг иммиграцион мақомим қандай?

Агар I-485 формангиз мақуллангандан сўнг сизнинг қонуний турмушингизга икки йил тўлмаган бўлса, Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати томонидан сизга шартли доимий яшовчисининг мақоми берилади. Никоҳингизнинг икки йиллиги санасидан 90 кун олдин сиз турмуш ўртоғингиз билан биргаликда шартли мақомингизни бекор қилиш тўғрисида илтимоснома топширишингиз керак. Бунинг учун сизлар никоҳингизни ҳақиқий эканлигини ва сохта эмаслигини исботлаб беришингиз керак бўлади. Шартли мақом бекор қилингандан сўнг, сиз АҚШ фуқароси бўлган турмуш ўртоғингизга боғлиқ бўлмаган доимий яшаш ҳуқуқига эга шахс, яъни резидент ҳисобланасиз.

Агар сизнинг I-485 формангиз мақулланган пайтда қонуний никоҳингизга икки йилдан ошган бўлса, сизга АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати томонидан резидент мақоми берилади. Шу санадан бошлаб, сиз АҚШ фуқароси бўлган турмуш

ўртоғингизга иммиграцион мақоми учун боғлиқликдан озод бўласиз.

Шартли мақомни бекор қилиш расмий аризасини тасдиқлаш талабларни четлаб ўтишда уч вазият қўлланиши мумкин:

- 1) Шартли мақом эгасининг АҚШдан чиқиб кетиши бошқа қийинчилиларни келтириши мумкинлиги; ёки
- 2) Никоҳнинг ўлим сабабдан эмас балки қонуний асосда бекор қилинганлиги ва мурожаатчининг шартли мақомини бекор қилиш расмий аризасини ўз вақтида топширилмаганлигида айби йўқлиги; ёки
- 3) АҚШ фуқароси ёки резиденти турмушда мурожаатчига нисбатан уриш, ёмон муносабат ҳаракатларини қўллаган бўлса.

Бу барча вазиятлар I-751 формулярида батафсил кўрсатилади; бу вазиятда сиздан никоҳингиз ҳақиқий эканлигини ва сохта эмаслигини исботловчи омилларни тақдим этиш талаб этилади.

АҚШ ҳукумати чет эллик қаллиқлари ва турмуш ўртоқларини мавжуд ҳақ-хуқуқлари ва уларга ёки фарзандларига нисбатан ёмон муносабатдан ҳимоя қилиш ҳақида яна қандай йўллар орқали огоҳлантиради?

2005 йилдаги Халқаро Никоҳ Агентликларининг Фаолиятини Тартибга Солиш тўғрисидаги Қонун (IMBRA) никоҳ

асосида иммиграция жараёнига чет эллик қаллиқларга, ҳамда турмуш ўртоқларга ёрдам бериш мақсадида ўзгартиришлар киритилди. IMBRA АҚШ ҳукуматидан АҚШга кўчиб келаётган чет эллик қаллиқлар, ҳамда турмуш ўртоқларга уларнинг қонуний ҳақ-хуқуқлари, визаларини ҳомийси бўлган партнёрлари томонидан зўравонлик ҳаракатлари қўлланилган пайтда ўз-ўзига ёрдам бериш йўллари ҳақидаги маълумотни тақдим этишини талаб этади. Кўчиб келаётган қаллиқ ва турмуш ўртоқлар Америка қонунчилиги ҳақида маълумотга эга эмаслар ва уларга нисбатан зўравонлик ҳаракатлари қўлланилаётган уйлари кариndoш ёки дўстлар ёрдами йўқлиги сабабли ташлаб кета олмайдилар.

IMBRA мазкур рисолаининг тайёрланиши ва тарқатилишида АҚШда сизга нисбатан ёмон муносабат қўлланилаётган ҳолатларда қонунлар ва мавжуд хизматлар ҳақида маълумот етказишни кўзда тутган. IMBRA ўтмишда зўравонлик ҳаракатларини содир этган АҚШ фуқароларига чет эллик қаллиқлар учун кўп марталик виза олиш учун ҳомийлик қилишни ман этади. IMBRA АҚШ ҳукуматидан халқаро қаллиқлар ёки турмуш ўртоқларига АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати томонидан олиб борилган америкалик фуқароларнинг ўтмишда содир этган жиноий ишлари текширув натижаси нусхасини ва бошқа ҳомийлик визаларига берилган аризалар нусхасини тақдим этишларини талаб этади.

АҚШ ҳукумати Халқаро никоҳ агентликларининг фаолиятини қандай тартибга солади?

Агар агентлик халқаро никоҳ агентликлари томонидан белгиланган стандарт талабларга жавоб берса, бу агентлик сизга ўз мижозининг ўтмишда содир этган жиноий ишлари текширув натижасини ва шу билан бирга, давлат ва штатлар бўйича мавжуд жинсий зўравонлик қўллаган жиноятчиларнинг рўйхатини тақдим этиши мажбурийдир, шунингдек америкалик мижозига сизнинг контакт маълумотингизни фақатгина сизнинг ёзма розилигингиз асосида тақдим этишини таъминлайди. Агентлик сизга мазкур рисола сизга маълумот учун бериши шарт. Шунингдек, 18 ёшга тўлмаган бўлсангиз, уларнинг сиз билан иш олиб боришлари таъқиқланади.

Менинг америкалик қаллиғим ёки турмуш ўртоғимнинг ўтмишда содир этган жиноий ишлари текширув натижаларига ишонсам бўладими?

Агентлик томонидан ўтказиладиган жиноий ишлар текширув натижаси турли очик манбаалардан ва америкалик мижозлар иммиграцион ариза топшириш жараёнида берган маълумотларга асосланади. АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизматида АҚШдаги жиноятчиларнинг суд процесси ҳақида барча маълумотлар базасига кириш рухсати йўқ. Ҳомий бўлмоқчи бўлган АҚШ фуқароси аризани тўлдириш мобайнида ҳақиқатни айтмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, шундай ҳолатлар бўлиши ҳам мумкинки, америка фуқароси аввал бошқа шахсларга нисбатан ёмон муносабат ҳаракатлари қўллаган бўлиши, лекин унинг бу ҳаракати учун ҳибсга олинмаган ёки жазоланмаган ҳолатлари учрайди. Шу сабабли, сизга тақдим этилган жиноий ишлар текширув натижаси тўлиқ ҳисобланмаслиги мумкин. IMBRAнинг вазифаси кўчиб келаётган қаллиқларга ва турмуш ўртоқларга мавжуд бўлган манбаалардан олинган маълумотларни тақдим этишдир. Сиз шу муносабатларингизда ўзингизни ҳавфсиз ҳис этишингизни ўйлаб, сўнгги қарорни қабул қилишда жавобгарликни ўз бўйинингизга оласиз.

Турмушдаги зўравонлик қурбонлари бўлган чет эллик қаллиқ ёки турмуш ўртоқлар одам савдоси қурбони бўлиши мумкинми?

Турмушдаги зўравонлик билан биргаликда бошқа мажбурлаб ишлатиш ҳоллари ҳам юз бериши мумкин, бу ҳолларга мажбурий меҳнат, хизматлар ёки жинсий алоқа савдоси билан боғлиқ ҳоллар қўлланилган одам савдоси кириши мумкин.

Қуйидаги манзил ва рақамлар орқали сиз одам савдоси масалалари бўйича боғланишингиз мумкин:

Давлат Одам Савдосига Қарши Кураш
Ресурс Маркази
1-888-428-7581
(24 соат, ҳафтасига 7 кун қўрғироқларни қабул қилади)

<http://www.acf.hhs.gov/trafficking/>

Одам савдоси ва Ишчилар
Эксплуатациясига доир Шикоятлар
бўлимининг рақами
1-888-428-7581
(Душанба-Жума, 9:00-17:00)

<http://www.uzdoj.gov/crt/crim/tpwetf.php>

Қўшимча маълумот олиш учун бизнинг веб-саҳифамизга ёки қуйида келтирилган бепул рақамларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция
Хизмати ҳақида умумий маълумот**

АҚШдаги бепул рақамлар
1-800-870-3676 ёки

Бизнинг интернетдаги веб-саҳифамизга
ташриф буюринг:

<http://www.uscis.gov>

